Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 28-yanvar, seshanba № 13 (3362)

## Давра суҳбати

*Пойтахтимиздаги «Le Grande Plasa» меҳмонхонасида Хотин-қизлар қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ҳамкорлиги ва Осиё тараққиёт банкининг минтақавий ваколатхонаси кўмагида «Гендер статистикасини жамлаш, таҳлил қилиш ва ундан фойдаланишни такомиллаштириш» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*

# Гендер статистикаси

Таъкидланганидек, юртимизда хотин-қизлар манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллиги, интеллектуал салоҳиятини ошириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Хотин-қизлар манфаатлари ифода этилган қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, БМТнинг «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги конвенцияси (CEDAW) ратификация қилинган.

Айтиш жоизки, юртимизда хотин-қизларга бўлган эътибор масаласи БМТнинг тегишли қўмитаси томонидан ўрганиб борилмоқда. Ўтган даврда бу борада Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг ижросига доир тўртта Миллий ҳисобот кўриб чиқилган. Давлатимизнинг ҳар бир даврий ҳисоботи муҳокама қилиниб, унинг натижаларига кўра якуний таклифлар тақдим этилган. Шу асосда мамлакатимизда Миллий Ҳаракат дастури ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланмоқда.

Анжуманда сўз олганлар мазкур ҳужжатлар асосида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг самаралари хусусида батафсил сўз юритишди. Шунингдек, гендер статистикаси бўйича илк веб-сайтнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

— Гендер статистикаси эркаклар ва аёллар, ўғил ва қиз болаларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаолиятида юз бераётган ўзгаришларни кузатиш имконини беради, — дейди Давлат статистика қўмитаси Демография ва меҳнат статистикаси бошқармаси бошлиғи Алимардон Жумаев. — Эркак ва аёлларнинг яшаш шарт-шароитлари, муаммоларини аниқлашга кўмаклашади. Шу маънода Осиё тараққиёт банки кўмагида қўмитамиз томонидан гендер статистикаси бўйича илк веб-сайт яратилганлиги айни муддао бўлди. Мазкур манбада мамлакатимиз ҳаётига оид демография, ижтимоий ҳимоя, меҳнат, таълим, соғлиқни сақлаш йўналишлари бўйича барча маълумотлар жамланиши билан бирга, ҳуқуқбузарликка оид маълумотлар ҳам ўрин олган. Фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мақсадида сайт жадвал ва графиклар асосида ўзбек, рус ва инглиз тилида тақдим этилди.

Давра суҳбатида гендер статистикасига оид бундай кенг кўламли маълумотлар базаси дастур ва стратегияни ишлаб чиқишда, муваффақиятли режалаштириш ва мониторинг олиб боришда муҳим аҳамият касб этиши, уни мунтазам такомиллаштириб бориш зарурлиги таъкидланди.

**Гўзал НОРЧАЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## САНЪАТСЕВАРЛАР МАСКАНИ





**Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманидаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактабида 232 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олмоқда.**

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида 2013 йили янги бинога эга бўлган мазкур масканда ёшларнинг мусиқа ва санъат сирларини пухта эгаллаши учун барча шароит яратилган. Моҳир педагоглар халқ чолғулари, фольклор, эстрада, торли чолғулар, фортепьяно, тасвирий санъат, хореография, тикувчилик ва каштачилик йўналишлари бўйича машғулотлар ўтказмоқда. Гулмира Султонмуродова, Фарҳод Муродбоев каби мактаб ўқувчилари нуфузли танловларда совринли ўринларни қўлга киритмоқда. Мактабда «Ойдинлар», «Бахшилар», «Жилва» ансамбллари ташкил этилган.

**Суратларда: ўқувчилар Нилуфар Нурманова, Равшан Наврўзбоева.**

**Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА)**
**олган суратлар**

*«Андижон ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмаси» томонидан таълим муассасалари учун кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Корхонада асосан имконияти чекланган инсонлар, яъни карсоқовлар меҳнат қилиб келади.*

### Излаган имкон топар

Бу ерда уларга етарли меҳнат ва дам олиш шароити яратилган.

Ўтган йил 75 киши меҳнат қилаётган жамоада 1 млрд. сўмлик сифатли халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилди. Имконияти чекланган инсонлар меҳнати эвазига ўтган йилги режалар ортиғи билан бажарилди.

**Ўз мухбиримиз**

## 2014 йил — Соғлом бола йили

*Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда тиббиёт, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ўзига хос миллий модел яратилди. Янги тизим — замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган скрининг ва перинатал марказларига асос солинди. Республика скрининг маркази ва унинг вилоятлардаги филиалларида перинатал текширув — ҳомиланинг ривожланишини кузатиш, чақалоқлардаги туғма хасталикларни аниқлаш, ирсий ва туғма хасталик билан туғилган беморларга ҳамда ногирон фарзанди бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳат ва даволаш хизмати кўрсатиш бугун ўз самарасини бераётир.*

# Баркамол авлодга қанот бўламиз

Юртимизда дунёда биринчилардан бўлиб, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш учун поливитаминни бепул етказиб бериш амалиёти йўлга қўйилди. Унни зарур микроэлементлар билан бойитиш, тузни йодлаш дастурларининг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида аҳоли ўртасида йод танқислиги ва туғиш ёшидаги аёллар орасида камқонлик касаллиги сезиларли даражада камайди.

Амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилаётгани ҳам бежиз эмас. Бу юртимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг ноёб модели шаклланганлигидан дарак беради. Натижада, авлод ўзининг интеллектуал ва жисмоний салоҳиятини нуфузли олимпиадаларда, халқаро мусобақа ва танловларда намоён этиб, мамлакатимизни шон-шарафга буркамоқда. Ҳолбуки, жаҳондаги юзлаб нуфузли ташкилотлар кўмагига қарамай, кўплаб давлатларда болалар ҳуқуқлари поймол этилаётир. Бошқача айтганда, дунёдаги 30 фоиздан ортиқ бола меҳрга ташна, саломатлиги, таълим-тарбияси муҳофазаланмаган. Ана шундай эътиборсизлик оқибатида миллионлаб болалар ногирон. Бизда-чи?! Соғлом авлод камоли учун барча шароит яратилган. Она ва бола соғлиғига эътибор қаратиш истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган.

Соғлом бола йилида бу борада амалга оширилаётган эзгу ишлар кўлами янада кенгаяди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, биринчи навбатда, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш ишлари эътибор марказида бўлади. Иккинчидан, соғлом болани вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни ва таъсири янада ортади.

*(Давоми 2-саҳифада).*

## Янгиликлар оқимидан

### ТОШКЕНТ

*«Ўзбектуризм» миллий компанияси сайёҳлик фаолияти билан шуғулланувчиларга енгиллик ва қулайлик яратиш мақсадида лицензия беришнинг янги хизматларини ишлаб чиқмоқда. Бу ҳақда компания матбуот хизмати хабар тарқатди.*

### ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ЛИЦЕНЗИЯ

Эндиликда жорий йилнинг январ ойи охиридан бошлаб лицензия бериш учун ҳужжатларни электрон тарзда қабул қилиш тизими жорий этилади. Туристик фаолият учун лицензия олишни хоҳлаганлар «Ўзбектуризм» миллий компанияси расмий сайтига буюртма орқали мурожаат қилиш имконига эга бўлишади.

Ҳужжатларни тўлдираётганда сайёҳлик бўйича очилаётган фирманинг аниқ номи, юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, диплом нусхаси илова қилинади. Мазкур маълумотлар «Ўзбектуризм» компанияси мутахассислари томонидан амалдаги тартибда кўриб чиқилади.

Кейинчалик «Ўзбектуризм» миллий компанияси «қоғоз» шаклидаги лицензиялардан воз кечишни режалаштирган. Таъкидлаш лозимки, туристик бизнес билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахсларга электрон шаклда лицензиялар бериш тизимининг жорий этилиши ушбу жараёнда шаффофликни таъминлаш ҳамда мижозларга енгилликлар яратишга хизмат қилади.

**Ғанишер ТОҲИРОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

### СИРДАРЁ

*Гулистон шаҳридаги «Фарҳод» маҳалласида барча шароитга эга замонавий спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

### МАҲАЛЛАДА ЗАМОНАВИЙ ИНШООТ

Мажмуада енгил атлетика, футзал, бокс, бадиий гимнастика билан мунтазам шуғулланиш имконияти яратилган. Қарийб 300 миллион сўм маблағ эвазига бунёд этилган мажмуадаги машғулотлар зали, ювиниш, кийиниш хоналари замонавий тарзда жиҳозланди.

— Президентимиз раҳнамолигида спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш, унинг оммавийлигини таъминлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ўз самараларини бермоқда, — дейди хусусий тадбиркор Баҳодир Холматов. — Ана шу юксак ғамхўрлик туфайли халқаро майдонда ёшларимиз эришаётган улкан марралардан руҳланиб, биз ҳам бу хайрли ташаббусга ҳисса қўшишга қарор қилдик.

**А.МУСТАФОҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири**

## Фикр хазинадир...

*«Қари билганини пари билмас» дейишади. Дарҳақиқат, ёши улуғ боболаримиз суҳбатидан олам-олам маънавий озуқа олиш мумкин.*
*Чироқчи тумани Қаҳрамон қишлоғида яшовчи 79 ёшли уста Марқа бобо Янгибоев билан суҳбатлашиб, отахоннинг пурмаъно гапларини сизга ҳам илиндим.*

# Оталар сўзи — ақлнинг кўзи

### ТУПРОҚҚА ЧЎП ҚАДАДИМ...

— Меҳнатни жуда севаман, — дейди отахон. — Чунки отам ҳам, онам ҳам меҳнатнинг ортидан умргузаронлик қилишган. Қолаверса, инсон ўз орзусига фақат меҳнат туфайлигина эришади.

Шундай одамлар борки, вақтини бефойда фисқу-фасод гурунгларга сарфлаб, бесамар ўтказади. «У бундай қилибди, бу ундай қилибди», деб бировнинг ғийбатини қилишдан чарчамайди. Бундай davраларда тоқатим-тоқ бўлади. «Йиғиштиринглар бировнинг ортидан гапиришни, ундан кўра, деҳқончилик, чорвачилик, боғбонликдан гаплашайлик», дея суҳбатларини бўлиб ташлайман.

Бир йили боғда дарахтларнинг шохларини бутай туриб, иккита олма кўчатига кўзим тушди. Улар қуёш нурига ташна бўлиб, ожиз ва нимжон ҳолатда эди. Белкурак билан кўчатларни ковлаб олдим-да, очиқ майдонга ўтказиб қўйдим. Қилган ишим шу бўлди. Орадан уч-тўрт йил ўтиб, бояги икки олма кўчати бақувват дарахтларга айланди. Шиғил мева солди, келинларим улардан товоқ-товоқ қип-қизил олмаларни териб, дастурхонга тортишганда, ернинг ниҳоятда саховатли эканини хаёлимдан ўтказаман. Меваси шундай тотлики, еб тўймайсан киши. Шундан кейин олманинг бошқа навларидан ҳам экдим. Май ойидан то қишгача уларнинг ҳосили оғзимизга тегяпти. Тотли неъматларнинг набираларимга ҳам, ҳатто қўшниларнинг болаларига ҳам етаётганидан бошим кўкка етади.

Яна бир мисол. Бир куни ҳовлига икки туп тут новдасини қадаб қўйдим. Вақти-соати етиб, улар йирик тутга айланди, мевага кирди. Қарасам, бирининг ҳосили жуда кам, иккинчиси мазали бўлиш билан бирга, анча серҳосил экан. «Шошмай тур» дедим-да, биринчи тутни чопиб ташладим. Иккинчисига эса пишар чоғида тагидан дока боғлаб қўямиз. Ҳар куни докани йиғиштирганимизда, есангиз танингизга дармон бўладиган, ширин тут мевасига тўла бўлади.

Азиз болаларим, сизга маслаҳатим, ҳовлингизга мевали дарахт экинг. Экканда ҳам ниҳолнинг серҳосил навларини танлаб ўтказинг. Пайвандига ҳам эътибор беринг. Токи мевасидан кўпчилик баҳра олсин. Ёхуд шундайлари бўладики, улар фақат жойни эгаллайди, ёнидаги дарахтларни қисади, ҳосили ҳам тотли бўлмай, биров барака топмайди. Бундай дарахтларни мен бировга нафи тегмай, «Ундоқ қиламан, бундоқ қиламан», деб гўппайиб юрадиган кишиларга ўхшатаман...

Шундай ҳосилдор заминда, серқуёш диёрда яшаб туриб, ерга бирор кўчат қадамагани боис, на ўзининг, на болаларининг қорни мевага тўймаган одамларни кўрсам, уларга раҳмим келади. Салгина эътиборли бўлинг, Ўзбекистон заминига чўп қадасангиз, куни келиб оила аъзоларингизнинг тўқлигига, фаровонлигига ҳисса қўшадиган даромад манбаига эга бўласиз, дегим келади...

### ВАФОЛИ ДУНЁ

Гоҳида «Ёлғончи дунё» деган гапни эшитиб қоламиз. Дунё сени қачон алдади? Ёки олма экканингда зардоли туғдими? Ёхуд меҳнат қилдинг-у роҳати насия бўлдими? Бундай кишиларга «Аслида сенинг ўзинг ёлғончисан!», дегим келади.

Баъзида «Бевафо дунё» дейдиганларни эшитамиз. Йўқ, бевафо эмас, вафоли дунё. Бутун табиат-у наботот инсонга хизмат қилса, Яратган эгам ҳар биримизнинг ризқимизни бериб турган бўлса, бутун ер ости ва ер усти бойликларидан фойдаланаётган бўлсак, яна «бевафо дунё» деб зорланишимиз нимадан?!

Қаранг, ҳатто асаларилар ҳам тиним билмай, бол йиғиб, биз инсонларга илинади. Биз эса яна зорланамиз.

«У ёқдан бу ёққа қарагунча умр ўтади-кетади. Ҳаёт лаҳзадек қисқа», деган гаплар ҳам қулоғимизга чалинади. Бу фикрга ҳам қўшилмайман. Мана мен 79 ёшга кирдим. 79 ёш дегани, бу жуда кўп йиллар, жуда кўп кунлар, жуда кўп воқеалар, кечмишлар демакдир. 79 йиллик ҳаётимни сўзлаб берсам, катта китоб бўлади...

Бир буванинг ёшлигимда айтган қуйидаги гапи ҳеч ёдимдан чиқмайди:

— Эй, йигитлар, камликка кўнманг, кўпликка кўнинг. Кўпдан ажралиб қолманг, — дерди отахон бизга. Баъзан маҳалла, жамоат учун фойдаси тегадиган бирор иш қилинаётганда, дейлик, маҳалланинг тўй ва маъракалари учун идиш-товоққа пул йиғилаётганда, «Шу нарса керакми? Йиғилган пулни фалончи еб кетади», дея терс фикрлар билдириб, улусга қарши чиқадиганлар ҳам учраб туради. «Яхшидан шафоат, ёмондан касофат», «Яхшилик қилсанг ҳам ўзингга, ёмонлик қилсанг ҳам ўзингга», деган пурмаъно ҳикматларга таянсак, инсоннинг ҳеч бир яхши ва ёмон иши жавобсиз қолмаслигига амин бўламиз.

### ФАРОВОНЛИК САРИ ЙЎЛ

Менимча, инсон ўзи билган нарсаларни бошқаларга ҳам айтиши лозим. Деҳқончилик, устачилик, дурадгорлик, сартарошлик, ўғил болаларни суннат қилиш бизнинг қонимизда бор. Болаларимни касб-ҳунарим орқасидан уйли-жойли қилдим. Болаларим, ҳатто уларнинг фарзандларининг қора қозони ҳам устачиликнинг орқасидан қайнаяпти. Ўғлим Саъдулла — фермер. Ғайбулла, Чори ва Дилшодим сартарош. Дилмурод ўқитувчи бўлса, Файзулла ва Дўстмурод эшик-ром ясайди. Қизларим Дилором ва Лола онам раҳматли каби чевар. Ҳар бир ўғлимга «асалари оиласи»дан берганман, нозик соҳа сир-асрорларини ўргатганман.

Тўнғич набирам Фарҳоджон юртимизда тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилганидан илҳомланиб, «Юлдуз» дўконини юргизяпти. Яна бир неварам Фазлиддин шифокор бўлмоқчи.

Фарзандларимнинг ҳар бирининг иқтисодига чорва ва парандачилик ўз улушини қўшади. Ахир чорвани бежизга «Алининг қуввати» дейишмайди-да. Сигирингиз бўлса, унга емиш беришда асло эринманг ва унинг еган овқатидан оғринманг. Чунки сигир берган емишингизни шу куниёқ сут қилиб ўзингизга қайтаради. Товуқ ҳам шундай. Бугунги берган донингизни ўзингизга тухум кўринишида қайтариб беради...

«Қиш ғамини ёзда е» деган ҳикматга амал қилиб, чорва учун емиш жамғаришда ёз фаслида тер тўксангиз, қаҳратон қишнинг совуғи чорва моллариингизни қийнамайди.

Касаба уюшмалари бежизга томорқалардан унумли фойдаланиш, деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик каби соҳалар ривожи йўлида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормаяпти. Чунки бу йўллар фақат ва фақат фаровонликка элтади. Дастурхонларимизни сифатли ҳамда тўйимли озиқ-овқатлар безайди, фарзандларимиз соғлом вояга етади...

**Акмал АБДИЕВ**
**ёзиб олди.**

Ishonch
2014-yil 28-yanvar № 13 (3362)

Эътироф

*Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлоднинг билим олиши, куч ва иқтидорини тўла намоён қилиши, ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши йўлида барча шарт-шароит яратилмоқда. Хусусан, таълим ва спорт соҳалари навқирон авлод камолотининг муҳим омили сифатида изчил ривожлантирилмоқда. Бунинг самарасида, юртимизда танлаган соҳалари бўйича етук мутахассислар бўлиб катта ҳаётга дадил кириб келаётган ёшлар сафи кенгайиб бормоқда.*

## Шароит бор, демак...

Барча қатори коллежимиз жамоаси ҳам «Соғлом бола йили» деб ном олган 2014 йилни катта орзу-умид, эзгу ниятлар билан кутиб олди. Чунки ҳар жиҳатдан соғлом бола ўз оиласи ва Ватанининг энг катта бойлигидир.

Коллежимизда зарур спорт кўникмаларига эга иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиш, ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида турли мусобақалар ўтказиб келинади. Хусусан, I-босқич ўқувчиси Карина Солдатова алпенизм бўйича пойтахтимизда ўтказилган халқаро мусобақада 2-ўринни олди. II-босқич ўқувчиси Мафтуна Тўрақулова эса каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони, бир нечта халқаро мусобақалар ғолибидир.

Коллежимизнинг волейбол бўйича ўсмирлар терма жамоаси жорий йил Наманган вилоятида бўлиб ўтадиган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига йўлланмани қўлга киритишган. Ҳозирда жисмоний тарбия ўқитувчиси Умид Камолов раҳбарлигида мазкур мусобақага муносиб тайёрланишмоқда.

**Ш.ТОШҚУЛОВА,**
**2-Тошкент юридик коллежи катта ўқитувчиси**



## Тил билган — эл билади

*Президентимизнинг 2012 йил 12 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ёш авлод учун имкониятлар эшигини кенг очиб қўйди.*

Китоб иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида 1400 талаба етти йўналиш бўйича таълим-тарбия олади. Уларга малакали мураббийлар сабоқ беришяпти. Инглиз тили фани ўқитувчиси Феруза Муҳаммадиева сабоқларни илғор тажрибаларга таянган ҳолда олиб бормоқда. Бу эса ўқувчиларнинг ушбу фанга бўлган қизиқишини янада оширмоқда.

**Суратда:** *2-босқич талабаси Шоҳсанам Қаюмова келгусида инглиз тили ўқитувчиси бўлиш орзусида устозидан фан сирларини мукаммал ўрганмоқда.*

**Шавкат СУЛТОНОВ олган сурат**

Соғлик — энг катта бойлик

*«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси фарзандларни жисмонан бақувват, маънан етук этиб камол топтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида қатор тадбирларни амалга ошириб келаётир. Бу борада кўплаб халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, жумладан, ўтган йили жамғарма Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти, Корея Республикасининг «Save the Children» халқаро жамғармаси, Корея халқаро соғлиқни сақлаш KOFIH жамғармаси, Ин Ха ва Бундан Ча университетлари госпиталлари кўмагида туғма юрак нуқсони, терининг куйиш асоратлари, туғма қўл-оёқ бўғимлари ва бошқа хасталиклар билан оғриган болалар бепул соғломлаштирилди.*

## Чуқурлаштирилган тиббий кўрик

Корея Республикасининг бир неча халқаро ташкилот ва университетлари билан ҳамкорлик битимлари доирасида жамғарма қошидаги Тиббий-ижтимоий марказда замонавий тиббий анжомлар билан таъминланган янги бино қурилди. Чекка ҳудудларда яшовчи аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, зарур ёрдамларни кўрсатишга йўналтирилган замонавий асбоблар билан жиҳозланган 214,3 минг АҚШ доллари қийматидаги «Hyundai» русумли мобил клиника ҳудудлараро кўчма Тиббий ижтимоий патронаж бригадасига тақдим этилди. Шунингдек, жамғарманинг 20 йиллиги муносабати билан Корея халқаро соғлиқни сақлаш KOFIH жамғармаси томонидан 25,3 минг АҚШ долларига тенг бўлган «Hyundai H1» русумли мобил клиника Навоий вилояти тиббий ижтимоий патронаж бригадасига берилди. «Save the Children» халқаро жамғармаси кўмагида юрак туғма нуқсони бўлган болаларни операция қилиш учун оксегенаторлар келтирилди.

Ушбу хайрли ишларни давом эттириш мақсадида 20-24 январ кунлари Корея Республикаси «Ehwa Womans University» госпиталининг малакали шифокорлари иштирокида (19 нафар уролог, кардиолог, педиатр, офталмолог ва бошқа мутахассислар) юртимизнинг қатор ҳудудларида беморлар умумий чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

— Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида асосан юрак ва буйрак касалликлари билан оғриган бемор болаларни кўздан кечириб, ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан биргаликда даволаш амалиётларини олиб бордик, — дейди «Ewha Womans University» госпитали профессори, жарроҳ Ку Ёнг Жуонг. — Мақсадимиз мазкур олий таълим муассасаси билан ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаб, ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашишдир.

— Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида буйрак бўйича жарроҳлик амалиёти бажарилди. Шунингдек, 40 тага яқин бемор кардиологик кўрикдан ўтказилди, — дейди жамғарма Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Жумабек Нуров. — Кореялик мутахассислар врач, магистр ва бакалаврларга тиббиётнинг долзарб мавзуларида маърузалар ўқишгани ҳам айни муддао бўлди. Жамғарманинг Тиббий-ижтимоий марказида эса оналар ва болалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Бир сўз билан айтганда, кореялик шифокорларнинг даволаш жараёнини кузатиш билан бирга, улар билан тажриба ҳам алмашдик.

— Икки нафар неварамни олиб келдим, — дейди жамғарманинг Тиббий-ижтимоий марказидаги кўрик жараёнида Миробод туманилик Маъсума Қутбиддинова. — Педиатр кўригидан кўнглим тўлди. Ҳаво ўзгарганлиги учун озгина шамоллаш бор, бу вақтинчалик жараён, ўтиб кетади, дейишди. Хурсанд бўлиб қайтаяпмиз.

— Қон босимим ошади. Ўт пуфагим оғрийди, — дейди Яккасарой туманилик Хуршида Ҳабибова. — Барча кўриклардан ўтдим. Мутахассислар тегишли маслаҳатлар бериб, дори-дармонлар билан таъминлашди. Ташкилотчиларга раҳмат.

— Айни вақтда туманимизда 180 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 43 минг 963 нафарини туғиш ёшидаги аёллар, 47 минг 926 нафарини эса 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади, — дейди Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ болалар шифохонасидаги кўрик жараёнида туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Неъмат Арслонов. — Бугунги тадбир ҳам айни муддао бўлиб, 170 нафардан зиёд болалар тиббий кўрикдан ўтказилди.

— Ўғлимни кўрикдан ўтказган врачлардан керакли маслаҳатлар олдим, — дейди тўйтепалик Фотима Толипова. — Оила аъзоларим номидан ушбу тадбирни ташкил этганларга ўз миннатдорлигимни билдираман.

**Салим АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Муносабат

## Менда таклиф бор

*Миллионлар ўйини — футболнинг ашаддий ишқибозиман. Шунинг учун ўғилларим Акбаржон ва Актамжоннинг спортга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаб келяпман. Айни пайтда Актамжон Ғузорнинг «Шўртан» жамоаси аъзоси. Дарвозабон амплуасида ҳаракат қилади. Ундан умидим катта. Ортда қолган 2013 йил ўзбек футболи учун омадли келди. Яъни, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Туркияда ўтган жаҳон чемпионатида яхши ўйин кўрсатиб, чорак финалгача етиб борди. Дилшод Нуралиев раҳбарлигидаги ўсмирлар термамиз эса БААда ташкил этилган жаҳон биринчилигида ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллаб, мағлубиятсиз кейинги босқичга йўл олди...*

Ўзбекистон футбол федерацияси 2013 йил сарҳисобини эълон қилиб, «ғалвирни сувдан кўтарганда» анчайин адолатли қарорларнинг гувоҳига айландик. Яъни, миллий терма жамоамиз ва Москванинг «Локомотив» клуби ярим ҳимоячиси Виталий Денисов «Йилнинг энг яхши футболчиси», «Насаф» бош мураббийи Рўзиқул Бердиев эса «Йилнинг энг яхши мураббийи» деб топилди. Жонкуяр мутахассис Дилшод Нуралиев эса «Йилнинг энг яхши ёшлар мураббийи» номинациясида ғолиб чиқди.

2014 йилги янгиликларга тўхталадиган бўлсак, яқинда Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси бошқарув тизимида ўзгариш киритилгани эълон қилинди. Яъни, жамоада «бош мураббий» штати қисқартирилиб, клуб вице-президенти лавозимида ишлаб келаётган Самвел Бабаянга клуб менежери сифатида бошқарув ва масъулият, таъбир жоиз бўлса, натижалар учун жавобгарлик вазифаси юклатилди. Бу ўзбек футболи учун фойдали бўлади, деб умид билдириб қоламиз.

Дарвоқе, «Машъал» радиоканали орқали мазкур янгилик ишқибозлар эътиборига ҳавола қилиниб, уларнинг фикрлари ўрганилди. Биров янгиликка ижобий муносабат билдирган бўлса, бошқаси футболни ривожлантириш учун хориждан мураббий олиб келишни таклиф қилди. Бу борада менинг фикрим бошқача. Маълумки, айни пайтда қатор клубларимизда футболчилик фаолиятини яқиндагина тугаллаган собиқ чарм тўп усталари мураббийлик қилишмоқда. Масалан, ўтган йили «Олмалиқ»да Игор Шквирин, «Сўғдиёна»да Даврон Файзиев, «Гулистон»да Бахтиёр Ашурматов, «Насаф»да Рўзиқул Бердиев ва бошқалар самарали фаолият кўрсатди. Таклифим, футболчилик фаолиятини тамомлаб, устозлик ишини бошлаётган бу каби мутахассисларни футболи яхши ривожланган Испания, Германия, Бразилия ва бошқа шу каби давлатларга тажрибасини ошириб, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб келиш учун юбориш зарур. Мураббийларимиз у ердаги шароитлар, машғулот жараёнларини ўз кўзи билан кўришсин, Роналду, Месси, Рибери ёхуд Каканинг ўйинолди ва ўйиндан кейинги ҳолатларини қалбан ҳис қилишсин. Ахир, «юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал», дейишади-ку.

Ана шунда мураббийларимиз «Нега ўзбек футболида юлдуз футболчилар етишиб чиқмаяпти?», деган саволнинг жавобини топишади ва яхши ўйинчи тайёрлаш, чиройли, мазмунли ўйин кўрсатиш йўлида меҳнат қилишади.

Менимча, фалон-фалон миқдорда хорижий валютада маош тўлаб, хорижлик мураббийни олиб келгандан кўра, юқоридаги усул билан яхши мураббийларни тайёрлаш осонроқ ва самаралироқдир.

Ана шунда футболимизга Европа ҳавоси кириб келади, миллий чемпионатимизда тенг кучли жамоалар кўпаяди, стадионлар мухлисларга тўлади. Ўзбекистон миллий терма жамоасининг келгусида янада юқори ўринларни эгаллаши учун мустаҳкам замин яратилади...

**Жўра БЕРДИЕВ,**
**Қарши давлат университети доценти**

Спорт

*Хоразм вилоят адлия бошқармаси ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши томонидан адлия ходимлари ўртасида мини футбол бўйича мусобақа ўтказилди. Унда саккиз жамоа вакиллари ўзаро куч синашишди.*

## Майдонда адлия ходимлари

Қизғин ўтган мусобақаларда адлия бошқармаси ходимларидан ташкил топган жамоалар биринчи ва иккинчи, нотариуслар жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди.

Ғолиблар ва фаол иштирокчилар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Одилбек ЖАЛОЛОВ,**
**Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши бош мутахассиси**

Ёшлар овози

*Шаҳлонинг қўлидаги билакузуклар, бўйнидаги тилла занжир, бармоқларини безаб турган бежирим узуклар Азизани эсидан оғдираёзди. Аслида, бир неча йил олдин ҳатто зирак тақмайдиган дугонаси бугун таниб бўлмас даражада.*

## «Ҳожатбарор»лар тузоғи

Азиза хижолат аралаш сўради:

— Дугонажон, бунча буюмлар, яна тагингда янги машина: Буларга қандай эришдинг?

— Албатта, ҳаммаси заҳматли меҳнат орқали, — деди Шаҳло.

— Наҳотки?

— Бир йилча хорижда уй хизматкори бўлиб ишладим, натижасини ўзинг кўриб турибсан.

Ширин ўйлар қуршовида қолган Азиза бу ҳақда онасига сўз очди. Ҳанифа ая қизининг фикридан норози бўлди. Аммо Шаҳлони дугонасининг гаплари чет эл сафарига чорлади. Дастлаб улар Замира исмли аёлнинг ёнига боришди. Аёл қизга бошдан-оёқ разм солиб, уни иш билан таъминлашга ваъда берди. «Кўзланган маррага оз қолди, — ўзича ўйлади Азиза. — Энди мен ҳам дугонам сингари бўламан». Азизани хорижда қандай кўргуликлар кутаётгани ёлғиз Тангригагина аён эди. Икки йил давомида турли синовларни бошдан кечириб, алданганини англаб етди. Ваъдалари осмон бўлган дугонаси ва шерикларининг у билан иши бўлмади...

Бу адашиш натижасида қадри топталиб, сарсон-саргардонликка дучор бўлганлардан бирининг қисмати, холос. Одамфурушлар тузоғига илиниб, хўрликларга дучор бўлаётганлар, афсуски, бугун ҳам кам эмас. Ўзини, ўзлигини, яқинларини сотаётган кимсаларнинг Ватанини сотмаслигига кафолат борми? Ширин сўзга учиб, Шаҳло каби «ҳожатбарор»ларнинг тузоғига тушиб қолмайлик.

**Руҳия ИСМОИЛОВА**

Момомерос касб

## Ҳунардан унар

*Марям Истаева қарийб ўттиз йилдирки тикувчилик билан шуғулланиб, атрофдагиларга хушнудлик улашиб келаётир. Бундай дейишимизнинг боиси, у замонавий элита пардалари тикиб, хонадонларга янада файз бағишлайди, келинларга миллий услубдаги кўрпача, ёстиқлар тайёрлаб беради.*

— Болалигимда бувимнинг ёнида ўтириб, бажараётган ишини кузатишдан завқ олардим, — дея эслайди Марям опа. — Тикувчиликни олти ёшимда бошлаб, йиллар мобайнида шу ҳунарни мукаммал эгалладим. Кам бўлмадим. Одамларга нафим тегаётганидан хурсандман. Юртимизда ҳунармандлар учун кенг имкониятлар яратилган. Жумладан, солиқ имтиёзлари, турли кўрик-танловлар, халқаро кўргазмаларнинг ташкил этилиши ишимизга нисбатан меҳримизни оширмоқда.

Бугунги ҳунарманд ўз ишини янада ривожлантириш, услубларни уйғунлаштириш, малакасини ошириш борасида тинмай изланяпти. Бу, шубҳасиз, юртимиздаги фаровонликдан дарак беради.

Меҳнат қилган элда азиз. Бу замондошларимиз саъй-ҳаракатида ўз тасдиғини топмоқда. Марям опа ҳам шу кунларда «Ҳунарманд» уюшмасининг Чирчиқ шаҳар бўлими аъзоси сифатида фаолиятини кенгайтириш, чевар қизларга ҳунар сирларини ўргатиш билан банд.

**Наргиза АСАДОВА**

Реклама ва эълонлар

**«Surxondaryo mulk markazi» MChJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!**

**Савдога Сурхондарё вилоятидаги давлат автокорхоналарини тугатилиши ва қайта ташкил этиш бўйича худудий комиссиясининг 15.02.2012 йилдаги 4-сонли йиғилиш баёнига асосан тугатилаётган Термиз шаҳридаги 2510-сонли давлат автокорхонасини тугатиш комиссиясининг 2014 йил 20 январдаги № 01-сонли йиғилиш баённомасига асосан Термиз шаҳри С.Термизий кўчаси 9-уй манзилда сақланаётган Термиз шаҳридаги 2510-сонли давлат автокорхонаси балансида бўлган қуйидагилар қўйилмоқда:**

1. **ГБАСНГУА33151201** русумли д/р **19 AF 090** бўлган, **1986** й и/ч, таъмирталаб автомашина. **Б/б 1 1 97 000 сўм.**
2. **ЗИЛ 431410** русумли д/р **19 АВ 775** бўлган, **1986** й и/ч, таъмирталаб автомашина. **Б/б 7 691 000 сўм.**
3. **ЗИЛ 431410** русумли д/р **19 АВ 839** бўлган, 1981 й и/ч, таъмирталаб автомашина. **Б/б 7 691 000 сўм.**
4. **ЗИЛ 431410** русумли д/р **19 АН 201** бўлган, **1987** й и/ч, таъмир талаб автомашина. **Б/б 3 846 000 сўм.**
5. **ЗИЛ 431410** русумли д/р **19 АН 216** бўлган, **1986** й и/ч, таъмиртaлаб автомашина. **Б/б 7 691 000 сўм.**
6. **ЗИЛ 431610** русумли д/р **19 АВ 792** бўлган, **1988** й и/ч, таъмирталаб автомашина. **Б/б 5 3 84 000 сўм.**
7. **ЗИЛ 431610** русумли д/р **19 АН 219** бўлган, **1988** й и/ч, таъмир талаб автомашина. **Б/б 3 846 000 сўм.**

**Аукцион савдоси 2014 йил 27 феврал куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.** Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 25 феврал куни соат 18:00.

Юқоридаги мулклар 2014 йил 27 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 17 март ва 2 апрел куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 17 март куни учун, 2014 йил 14 март ва 2014 йил 2 апрел куни учун, 2014 йил 31 март соат 18:00.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р 20208000904941294001, МФО 01063, ИНН: 302125729.

**Манзил:** Сурхондарё вилояти,Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.

*2011 йил 25 октябрдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома*

***Хизматлар лицензияланган.***

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 19.25

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 118 | 21477 nusxada bosildi | 1 3 4 5